

Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси олдида

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзолари «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳар томонлама муҳокама қилиб, навбатдаги ялпи мажлисга тақдим этишга ҳозирлик қўймоқда.

ни амалга ошириш чоғида олинган ҳамда табиий монополия субъектлари фаолиятини текшириш ва таҳлил қилишга доир материаллар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар, давлат

лаётган қўшимчалар табиий монополия маҳсулотлари нархлари (тарифлари) ўсиши ҳисобига олинган маблағлардан янада самарали фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида рақобат кучайишига ҳамда асосий воситаларни олиш билан боғлиқ бўлган, ўз навбатида, нарх (тариф) ошишига олиб келадиган харажатларнинг асоссиз равишда ортишига йўл қўймасликка қўмаклашади.

Харажатларни очик-ойдин ҳисобга олиб бориш усуллари-ни жорий этиш ҳамда табиий монополия субъектлари кўрсатилган харажатларнинг нархлари ва тарифлари асоссиз равишда ошишига йўл қўймаслик мақсадида 15-моддага киритилган қўшимчалар табиий монополия субъектларининг табиий монополия шароитларида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун сарфланган тўғридан-тўғри харажатлар ҳисобини алоҳида юритиш мажбуриятини назарда тутди.

Яна бир эътироф этиши-ни истардимки, ушбу Қонун аҳолининг барча қатламлари — истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиши билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароити тўлиқ қарор топаётган бир пайтда табиий монополия таснифига кирувчи қўллаб соҳаларнинг қонуний йўл билан тартибга солиниши табиий ҳол, албатта.

Сухбатни Юнус БУРОНОВ эътибор олди.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

— Таъкидлаш керакки, ҳар қандай қонун, биринчи навбатда, халқ манфаатига, давлат тараққиётига хизмат қилмоғи лозим. Мазкур Қонунга киритилган қўшимчаларда ҳам ана шу талаблар бош мезон қилиб олинган. Қолаверса, Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунларга киритилган ўзгаришларда ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжман қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ёндашувни рўйбўта чиқаришга қаратилган вазифалар ҳисобга олинган. Шу муносабат билан, мазкур Қонуннинг асосий мақсади, аҳолининг ҳаётий таъминотини кучайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун янада

қулайроқ иқтисодий шароитлар яратиш, шунингдек, уй-жой — коммунал хизматлари нархи мақбул бўлишини кафолатлайдиган, монополияга қарши чораларни аниқлаштиришдан иборат. Транспорт терминалларида фойдаланиш билан боғлиқ фаолият устидан давлат назоратининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, транспорт терминаллари хизматлари (божхона тартиб-таомиллари ва бошқаларни амалга ошириш чоғида юкларни сақлаш, юк ортиш-тушириш ишлари, омондорона операциялари) баҳоси асоссиз равишда оширилишининг олдини олиш ҳамда тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланаётган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам бериш мақсадида Қонуннинг «Табиий монополия субъектларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш» деб номланган 4-моддаси «транспорт терминаллари хизматлари» тушунчаси билан тўлдирилмоқда.

«Монополияга қарши давлат органининг табиий монополия субъектлари фаолияти соҳасидаги ваколатлари» деб номланган 10-моддага киритилган қўшимча монополияга қарши давлат органи табиий монополиялар тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳуқуқини беради. Бу эса табиий монополия соҳаларида рақобат муҳити шароитида фаолият кўрсата оладиган ишлаб чиқаришларни ажратиш ва кейинчалик уларни хусусийлаштириш вазифаларининг бажарилишини таъминлаш имкониятини яратди. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузишга қарши қўйилган қўшимча қўриб чиқиш» деб номланган 11-моддага киритилган ўзгаришлар мазкур тоифадаги ишларни қўриб чиқиш асослари рўйхатини кенгайтирмоқда. Хусусан, монополияга қарши орган томонидан назорат вазифалари

ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мувожадатлари ҳамда прокуратура органлари тақдимномалари ана шундай асослар деб қаралади.

Ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва баъзи истеъмолчилар учун товарларнинг нархини тушириш ҳисобига бошқа тоифадаги истеъмолчилар учун товарлар нархи асоссиз оширилишининг олдини олиш йўли билан барча тоифадаги истеъмолчиларнинг камситилишига йўл қўймаслик мақсадида «Табиий монополия субъектларининг ҳуқуқлари» деб номланган 14-моддага ўзгаришлар киритилган. Бу эса табиий монополия субъектларига реализация қилинаётган товарларнинг нархларини (тарифларини) бир вақтнинг ўзида ҳамма истеъмолчилар учун пасайтириш ҳуқуқи берилишини назарда тутди.

«Табиий монополия субъектларининг мажбуриятлари» деб номланган 15-моддага кирити-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ҲУҚУҚИЙ ИСЛОХОТЛАР АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳокама ва ўзаро фикр алмашувлар асосида айтилганидек, мушкуллик йиллари мобайнида давлат Конституцияси бўлиб қолган таъкидлаш зарур. Конституциянинг асосий принциплари ва нормалари амал қилаётганлигини самарасидир. Сузга чиққанлар халқимизнинг кейинги йиллардаги ютуқларига баҳо берад эканлар, Асосий Қонуннинг улкан роли ҳамда салоҳиятини ҳолислик билан эътироф этиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шунга алоҳида урғу бериб айтдики, «...мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрат сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонуний ҳоҳиш ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлса, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тўла ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир».

Мамлакатимизнинг етакчи олим ва ҳуқуқшунос мутахассислари ўз сўзларида Конституция негиздаги суверен тараққиёт йилларида бизда бутунлай янги илгор қонунийлик шаклланишига ҳам эътиборни қаратдилар. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатни эркинлаштириш ва модернизациялаш ўзига қаратилган тузастилар конституциявий-ҳуқуқий ислохот амалга оширилганлиги ва конкретик касб эътиборлигидан ёрқин далолатдир. Бу тузастилар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизни қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари илгарилаб бориш зарурати таъкидланди.

Ҳозирги вақтда амалга оширилган ҳуқуқий ислохот сайловлар ўтказиши ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмидан қайта шакл топишига олиб келдики, бу хусусан, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайганлигида намойён бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси Конституциянинг барқарорлиги ва ҳаётийлиги қонунийлик доимий равишда янги мазмун ва мўйил билан тўлдириб борилаётганда, Асосий Қонуннинг нормалари ижтимоий-ҳуқуқий амалиётда муваффақият топаётганлигида ёрқин намойён бўлаётганлигидан далолат беради.

Давра суҳбати иштирокчилари демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган дастурий мақсадларига мувофиқ, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялашнинг ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштириш ишларини бундан буён ҳам давом эттиривериш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Масалани муҳокама этиш асосида тадбир иштирокчилари қонунийлик иши сифатини яхшилаш, Конституциянинг роли ва аҳамиятини янада кенроқ тарғиб этиш хусусида, фуқароларнинг Конституция борадаги билимларини чуқурлаштириш, уларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти даражасини юксалтириш тадбир-чораларини амалга ошириш масалалари юзасидан қатор тақлифлар билдирилди.

Давра суҳбати аяқлари асосида иштирокчилар тегишли тавсия қабул қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ва депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, судлар ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлири, турли жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Ў.А.)

ЭНГ ЯХШИЛАР АНИҚЛАНДИ

Фарғона шаҳрида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритувчи 90 нафар талабгор аҳолига хизмат кўрсатиш, сервис соҳасини янада ривожлантириш сингаги йўналишлар бўйича вилоят биринчилиги учун ўтказилган танловда иштирок этди.

«Энг яхши қишлоқ дўкони» йўналиши бўйича Қува тумани «Матлуботсавдо» жамиятига қарашли, Аҳор Ҳўжаев раҳбарлигидаги жамоат тоғилган бўлса, «Энг яхши савдо ходими» деган ном қўниқ тадбиркор Илхом Тўхтасиновга насиб этди. Дангара туман почта алоқа хизмати ходими Ихтиёр Бегматов «Энг яхши почта ходими».

Бувайда туман телекоммуникациялар боғламаси иқтисодчиси Тожмухаммад Камолов «Энг яхши телекоммуникация ходими» деган номга сазовор бўлди. Фарғонада Нодир Худойбердиев тавсия қилган инш «Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» деб топилди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

ТАДБИРКОРНИНГ ХУСУСИЙ БОСМАХОНАСИ

Урганчилик тадбиркор Фарход Ибодуллоев банкдан 30 миллион сўм кредит олиб, Хоразм вилоятида биринчилардан бўлиб матбаачилик ишини йўлга қўйди. — Корхонамиз энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги боис, офсет усулида газета, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини сифатли тайёрлаймиз, — дейди Фарход Ибодуллоев. — Чунки замонавий ускуналар маҳсулотнинг юқори даражалилигини таъминлаб, рақобатбардошлигини оширмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАСИ

Шу йилнинг тўққиз ойида Бухоро вилоятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда «Афрўз мармар» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг муносиб ҳиссаси бор. Бухоро шаҳридаги мазкур корхона мармар чиқиндисини қайта ишлаб, ундан қуришбоқ плиталар тайёрлайди. Ҳозир унинг турли рангдаги мармар плиталарига талаб тобора ошиб бораёти.

«ОЙДИН НУРИ»НИНГ ЭЪГУ ИШЛАРИ

Бухоро вилояти хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб келаятган «Ойдин нури» маркази фаолияти кенгайди. Хомийлар қўмитасида янги биноли бўлган марказда аёллар учун таълим, психологик, компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқув курслари йўлга қўйилди.

Истам БЕРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

Сурхондарё вилоятида иқтисодий тармоқлари, иқтисодий соҳа иншоотлари ва уй-жойларни мавсумга тайёрлаш тадбирлари илҳол амалга оширилмоқда. Жумладан, буғунга қадар Термиз шаҳридаги 14 та кўп қаватли уй мукамил таъмирдан чиқарилган бўлса, 19 та уйда таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда. Шунингдек, яна 28 та кўп қаватли уй жойий таъмирдан чиқарилиб, 47 та уйда иссоқ сув тизими, 72 та уйда эса электр узатиш жиҳозлари янгиланди. Шу мақсадларга давлат бюджетидан ажратилган 396 миллион сўмдан ташқари хомийлар маблағлари ҳам йўналтирилди.

Абди КОДИРОВ.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Кейинги йилларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми ортиб бормоқда.

Хусусан, Хонобод шаҳридаги «Андижонкэбель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган телефон, сигналлаш ва бошқа тармоқлар учун симлар, рангли металл ҳамда уларнинг қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотлар Эрон, Туркия, Туркменистон, Россия, Қозғистон сингаги давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхона аҳли қўлга киритилган ютуқлар билан чеқнаиб қолаётгани йўқ. Ҳозирда ишлаб чиқариш суръатини ошириш мақсадида мавжуд цехлар реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан бойитилмоқда. Бу пировардида, нафақат маҳсулот ҳажмининг ошиши, балки йўлба қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қилади.

СУРАТДА: оператор Назарали Ҳондоров. Ш. ОЛИМОВ (Ў.А.) олган сурат.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ТРАНСПОРТ-ТРАНЗИТ САЛОҲИЯТИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 19 ноябрь куни «Марказий Осий трансконтинентал транспорт кўприги: салоҳият ва тараққиёт истиқболи» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Сиёсий тадқиқотлар маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу анжуманда Марказий, Жанубий, Жануби-Шарқий Осий, МДҲ, Яқин, Урта ва Узоқ Шарқ, Европа мамлакатларидан илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, транспорт ва юк ташуш соҳаси учун маъсул вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда БМТ, ШҲТ ва ЕвразЭС каби халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.

Марказий Осий давлатлари учун транспорт коммуникацияларини ривожлантириш иқтисодий, жўрғоғий ва стратегик нуқтан назардан муҳим аҳамиятга эга. Минтақанинг дунёнинг йирик денгиз ва уммон портларига тўғридан-тўғри уланишига. Шунга қарамай, Марказий Осийнинг ҳажон жўрғоғийсидаги ўрни унинг транспорт-транзит салоҳияти юксак эканлигидан далолат беради. Ушбу анжумани ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам Марказий Осийнинг транспорт-транзит салоҳиятини таҳлил этиш ва унга уага минтақалар муносабатини ўрганиш ҳамда халқаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш, соҳага сармоя жалб қилиш имкониятларини қўриб чиқишдан иборат.

Конференцияда Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осий масалалари бўйича махсус вакили К. Катаками «Марказий Осий плюс Япония» мулоқот механизми доирасида Япония билан минтақанинг давлатлари ўртасида транспорт соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ҳақида маъруза қилди. Япония Марказий Осийда, хусусан, Ўзбекистонда интеграция жа-

раёнларини қўллаб-қувватлашга, жумладан, транспорт инфраструктурасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керакдир. Жумладан, Япония ҳуқуқати «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун 150 миллион АҚШ доллари ва тенг миқдорда имлэйали кредит ажратганини қайд этиш мумкин. Япония Марказий Осийнинг транспорт-транзит салоҳиятини назарда тутиб, транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, аэропортлар ва нефть-газ юкларини замонавийлаштириш ҳамда янгиликларини барпо этиш борасида минтақасида мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоридир.

БМТнинг Осий ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) Транспорт ва сайёҳат департаменти коммуникация инфраструктураси бўлими раҳбари Виржиния Тана соним Марказий Осий транспорт-транзит салоҳиятини илмий ва амалий тадқиқ этиш натижаларига тўхталиб, минтақамизнинг бу бордаги имкониятлари катта эканлигини, Марказий Осийда самарали, хавфсиз ва рақобатбардор транспорт магистралларини барпо этиш иқтисодий тараққиётга ва ташқи бозорга чиқишни оsonлаштиришга хизмат қилишини қайд этди.

Анжуманда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А. Камолов, Россия Сиёсий конъюнктура маркази бош директори М. Виноградов, «Қозғистон темир йўллари» компанияси Корпоратив ривожлантириш департаменти директори Н. Жаркенов, АҚШнинг Ж. Хопкинс номидаги уни-

верситети хўзурдаги Марказий Осий ва Кавказ институти директори Ф. Старр, ХҲҲнинг Шанхай иқтисодий фанлар академияси хўзурдаги ШХТ институти профессори Чжан Цзяньхуи ва бошқалар минтақамизнинг транспорт-транзит салоҳияти, бу борда халқаро ҳамкорлик ҳақида сўзладилар. Қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазаларини умумийлаштириб айтиш мумкинки, Евроосийда Шарқ-Фарб (Осий ва Европа) ёки Жануб-Шимол (Ҳинд океани, Форс кўрфазси, Россия ва Болиқбўйи мамлакатлари) йўналишлари бўйлаб юк ташушда қадимги Буюк Ипак йўлини четлаб ўтиб бўлмайд.

Марказий Осий давлатлари автотранспорт ва темир йўл транспорт соҳаларини ривожлантириш борасида мувайн ютуқларни қўлга киритмоқда. Масалан, «Андижон — Ўш — Қашқар» автотранспорт йўли Марказий Осийдан Хитойга чиқиш имконини беради. «Сархас — Тезен — Мақшад» темир йўли Эроннинг Форс кўрфазидан бандаргоҳларига йўл очди. 2003 йили Тезенда Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон президентлари «Трансафғон» йўлини барпо этишга қаратилган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо қекдилар. Бу лойиҳа «Тошкент — Термиз — Мозори Шариф — Ҳирот» йўналиши бўйлаб Эрондан Бандар Аббос ва Чоҳабор портларига чиқиш имконини беради.

Транспорт коммуникациялари давлатнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи омиллардандир. Аммо Марказий Осий мамлакатлари илги бу бордаги имкониятларини тўлиқ ишга солишни йўқ. Автомобиль ва темир

Ҳамкорлик

иқтисодий ўсиш кўзатилади. Илгари, асосан, хом ашё етиштиришга иқтисодлашган минтақамиз мамлакатлари иқтисодиётида ҳозир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши ортмоқда. Бундай шароитда транспорт қувватлари иқтисодий ўсиш суръатларига мос, ҳатто, тараққиёт бобидан ундан бир оз олдида бўлиши керак.

Транзит соҳасида Жанубий ва Жануби-Шарқий Осий ҳамда Европа мамлакатлари ўртасидаги давлат ва ҳажми ошиб (йилга ўртача 10 фоиз) бораётгани яхши имконият яратди. Денгиз транспортига ортилган юк Жануби-Шарқий Осийдан Европага ўртача 30-35 куват етиб боради. Бандаргоҳлар ўз қувватидан кўпроқ юкни қайта ишлаши, ортиш-тушириш ишлари қўшимча вақт ва ортқица сарф-харажат талаб қилишини ҳисобга олсак, денгиз йўлининг афзал томонлари танқирлар ва ўта оғир юкларни ташуви қамалар учунгина сакланиб қолиши мумкин.

Жануби-Шарқий Осийдан Европага куруқлик орқали бориш — бир ман-

зилдан иккинчисига вагон ёки автотранспорт ортилган юкни етказиш учун 10-12 кун кетади. Автомобилнинг яна бир қулайлиги шуки, ташуиланган юк ишлаб чиқарувчидан тўғридан-тўғри истеъмолчига бориб тушади. Темир йўлининг ҳам қулай жиҳатлари кўп. Гарчи қурилиш вақт ва маблағни кўп талаб қилса-да, ишга туширилган, қисқа муддатда ўзини оқлайди, ёқилги нисбатини таъминлаш баробарида, наркотрафик каби транзитли йўлларга қарши қурашни ҳам тақозо қилади.

Марказий Осий мамлакатлари жаҳон иқтисодиётига изчил интеграциялашиб бормоқда. Бошқа минтақалардаги давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми муттасил ошапти. Марказий Осий давлатларида барқарор йиллик ҳажми муттасил ошапти. Марказий Осий давлатларида барқарор йиллик ҳажми муттасил ошапти.

Европанинг транспорт соҳаси мутахассислари яқинда Шарқ-Фарб йўналишида юк ташуш денгиз транспортидан қисман темир йўл транспортига ўтишини таъкидлаб келди. Шунинг учун ҳам Марказий Осий орқали транзит юк ташушга қизиқиш ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистонда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида транспорт коммуникацияларини тақомиллаштириш ва уларнинг юк ўтказиш қувватини ошириш, транзит юкларнинг мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб узлуқсиз харақатланишини таъминлаш, соҳага сармоя жалб этишга қаратилган қўллаб-қўллай ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон транспорт коммуникациялари бўйича ўтказилган зийд халқаро конференция, битим ва шартномага қўшилган, транспорт коммуникацияларини интеграциялаштириш бўйича қатор халқаро дастурларда иштирок этмоқда, сунгги етти йил ичида иқтисодиётнинг умумий тармоғига 550 миллион АҚШ доллари миқдорда хорик сармояси юритилди. Бу саъй-харақатлар ички транспорт тизими билан бир қаторда, минтақаддаги халқаро транспорт йўллари ривожлантиришга хизмат қилаётган йўналишлар билан ҳам муҳимдир. Ҳозир Ўзбекистон ҳудуди орқали йигирмата халқаро транспорт йўли ўтган.

Марказий Осий мамлакатларида автотранспорт йўллари узулғини 320 миң, темир йўллари 20 миң,

нефть-газ қувурлариники 40 миң километрдан ошади. Минтақамиз давлатларида юздан зиёд аэропорт бўлиб, уларнинг йигирматаси халқаро хава дарвозаси саналади. Йиллик юк ташуш қўраткичи 4 миллиард тоннага яқин. Минтақадда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бир неча лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларнинг барчаси Буюк Ипак йўлини тиклаш, минтақанинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш ва ундан умумий фойдаланишга қаратилган. Минтақадда нефть ва табиий газ қазиб олиш қўлайгани, дунёда энергия манбааларига талаб ортиб бораётгани қувватлар тизимини қўлайтириш, тақомиллаштириш ва ўтказувчанлигини ошириш борасидаги ишлар жадаллаштиришга олиб келмоқда.

Анжуманда Россия, Хитой, Япония, Хиндустон, Покистон, Франция, Туркия, Латвия, Эрон, АҚШ ва Қозғистондан келган экспертларнинг, халқаро ташкилотлар вакиллари Марказий Осийнинг халқаро юк ташуш ва энергия манбааларини узатиш тизимидеги ўрни, транспорт коммуникациялари қувватини қўлайтириш, давлатларга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг имкониятлари, халқаро геосийсий жараёнлар ва иқтисодий ўсишининг минтақамиздаги транспорт коммуникациялари тасвири, соҳани ривожлантириш стратегияси ва бу йўналишда халқаро ҳамкорлик доир маърузалари тингланди.

Анжуманда қатнашчиларнинг фикрича, мақдур форум Марказий Осийнинг транспорт-транзит салоҳиятини юксалтиришга, хусусан, Ўзбекистоннинг транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларига хорик сармоясини жалб этишни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

А. БОБОВ, Ў.А. мухбири.

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли Қарорига мувофиқ, қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади:

«ЎЗТАШҚИНЕФТГАЗ» ОАЖнинг 37,3% акциялар пакети

Сотувга «Ўзташқинефтогаз» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 37,3 фоизини ташкил этувчи 74 600 (етмиш тўрт минг олти юз) дона оддий акциялар кўйилади.
«Ўзташқинефтогаз» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, 1993 йилда ишга туширилган. Жамият Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ соҳасида фаолият кўрсатадиган корхоналарга импорт-экспорт хизматларини амалга оширишга кўмак беради.
Акциялар пакетининг бошланғич баҳоси — 961 800 (тўққиз юз олти миш бир минг саккиз юз) АҚШ доллари.

«ЭЛЕКТРОГАЗ» ОАЖнинг 25% акциялар пакети

Сотувга «Электрогаз» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25 фоизини ташкил этувчи 14 317 (ун тўрт минг уч юз етти) дона оддий акциялар кўйилади.
«Электрогаз» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, 1984 йилда ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури, электрэнергия таъминоти, қайта таъмирлаш ва капитал таъмирлашдан иборат.
Акциялар пакетининг бошланғич баҳоси — 483 000 (тўрт юз саксон уч минг) АҚШ доллари.
Корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари ҳажми — 864 000 (саккиз юз олти миш тўрт минг) АҚШ доллари.

«ТОШКОММУНАЛ ТАЪМИНОТ» ОАЖнинг 48% акциялар пакети

«Тошкоммунал таъминот» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 48 фоизини ташкил этувчи 141 211 (бир юз қирқ бир минг икки юз ўн бир) дона оддий акциялар сотувга кўйилади.
«Тошкоммунал таъминот» ОАЖ Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида жойлашган. Корхона 1993 йилда ишга туширилган. Корхонанинг асосий фаолият тури Тошкент шаҳри уй-жой фондини эксплуатация ва таъмирлаш учун қурилиш материаллари билан таъминлаш ва комплектация қилишдан иборат.
Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 390 000 (уч юз тўқсон минг) АҚШ доллари.
Корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари ҳажми — 250 000 (икки юз эллик минг) АҚШ доллари.

«ОРОМ» дам олиш маскани

Сотувга «Ором» дам олиш маскани кўйилади. «Ором» дам олиш маскани Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган бўлиб, ҳудуди 2,5 гектар майдонни ташкил этади.
Дам олиш масканининг бошланғич баҳоси — 53 548 (эллик уч минг беш юз қирқ саккиз) АҚШ доллари.
Инвестицион мажбуриятларнинг ҳажми — дам олиш масканининг бошланғич баҳосидан кам бўлмаслиги лозим.

«МЕХМОСТ» дам олиш маскани

Сотувга «Мехмост» дам олиш маскани кўйилади. «Мехмост» дам олиш маскани Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган бўлиб, ҳудуди 2,5 гектар майдонни ташкил этади.
Дам олиш масканининг бошланғич баҳоси — 306 108 (уч юз олти минг бир юз саккиз) АҚШ доллари.
Инвестицион мажбуриятларнинг ҳажми — 120 000 (бир юз йигирма минг) АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим.

«КАЗБЕК» дам олиш маскани

Сотувга «Казбек» дам олиш маскани кўйилади. «Казбек» дам олиш маскани Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ҳўжақент қишлоғида жойлашган бўлиб, ҳудуди 1,0 гектар майдонни ташкил этади.
Дам олиш масканининг бошланғич баҳоси — 110 910 (бир юз ўн минг тўққиз юз ўн) АҚШ доллари.
Инвестицион мажбуриятларнинг ҳажми — дам олиш масканининг бошланғич баҳосидан кам бўлмаслиги лозим.

«МАЛИКА» дам олиш маскани

Сотувга «Малика» дам олиш маскани кўйилади. «Малика» дам олиш маскани Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган бўлиб, ҳудуди 2,2 гектар майдонни ташкил этади.
Дам олиш масканининг бошланғич баҳоси — 97 844 (тўқсон етти минг саккиз юз қирқ тўрт) АҚШ доллари.
Инвестицион мажбуриятларнинг ҳажми — 100 000 (юз минг) АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим.

Мазкур давлат активлари (акциялар, объектлар)га энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истигади бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитаси ёки Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси такдим этилгандан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 100 (юз) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:
- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,
Ўзбекистон Республикаси,
«Ипак Йўли» АИКБ операцион бўлими,
ИНН 201122696, банк коди 00444.
S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.

Тендер таклифларининг қабул қилиш муддати жорий йилнинг 13 декабрида Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очилиши жорий йилнинг 13 декабрида Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5-қават) да амалга оширилади.

Тендер таклифларини очиб вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 55-уй, 15-01-хона. Бош директор Саъдуллахон Ҳамидуллахонович Набионов эътиборига. Телефон: +998 71 139-22-23. Факс: +998 71 139-21-42. Эл. почта: eibb@tps.uz	Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 55-уй, 8-01-хона. Хан Виктория Эликовна эътиборига. Телефон: +998 71 139-22-80. Факс: +998 71 139-20-72. Эл. почта: ves@spc.gov.uz, gki-qu@rambler.ru
--	---

INVITATION TO TENDER

THE STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-672 as of July 20, 2007,

PUBLIC TENDER FOR THE SALE OF THE FOLLOWING STATE ASSETS:

37.3% shares of JSC "UZTASHQINEFTGAZ"

The Tender for JSC "Uztashqineftgaz" is for the sale of 74 600 (seventy four thousand six hundred) shares of common stock constituting the aggregate of 37.3% of the enterprise's total issued shares.
JSC "Uztashqineftgaz" is located in Tashkent city and was established in 1993. The main activity of the enterprise is importing goods and providing services for the enterprises engaged in oil and gas sector.
Starting bidding price of the pack of shares is not less than 961 800 (nine hundred sixty one thousand eight hundred) US dollars.

25% shares of JSC "ELECTROGAZ"

The Tender for JSC "Electrogaz" is for the sale of 14 317 (fourteen thousand three hundred seventeen) shares of common stock constituting the aggregate of 25% of the enterprise's total issued shares.
JSC "Electrogaz" is located in Tashkent city and was established in 1984. The main activity of the enterprise is building and assembly jobs, major repairs of the lines electricity transmission.
Starting bidding price of the pack of shares is not less than 483 100 (four hundred eighty three thousand one hundred) US dollars.
The investment needs of the Enterprise constitute the amount of 864 000 (eight hundred sixty four thousand) US dollars.

48% shares of JSC "TOSHKOMMUNAL TAMINOT"

The Tender for JSC "Toshkommunal taminot" is for the sale of 141 211 (one hundred forty one thousand two hundred eleven) shares of common stock constituting the aggregate of 48% of the enterprise's total issued shares.
JSC "Toshkommunal taminot" was established in 1993. It is located in Tashkent city. The main activity of the enterprise is supplying provision of specialized mounting services, construction and repair of oil storage depots.
Starting bidding price - 390 000 (three hundred ninety thousand) US dollars.
Investment requirements - 250 000 (two hundred fifty thousand) US dollars.

Recreational area "OROM"

The recreational area "Orom" is located in the Tashkent region, Bostanlyk district.
Its total area constitutes 2,5 hectares.
Starting bidding price — not less than 53 548 (fifty three thousand five hundred forty eight) US dollars.
Investment obligations — not less than the starting bidding price.

Recreational area "MEHMOST"

The recreational area "Mehmost" is located in the Tashkent region, Bostanlyk district.
Its total area constitutes 2,5 hectares.
Starting bidding price — not less than 306 108 (three hundred six thousand one hundred eight) US dollars.
Investment obligations — not less than 120 000 (one hundred twenty thousand) US dollars.

Recreational area "KAZBEK"

The recreational area "Kazbek" is located in the Tashkent region, Bostanlyk district.
Its total area constitutes 1,0 hectares.
Starting bidding price — not less than 110 910 (one hundred ten thousand nine hundred ten) US dollars.
Investment obligations — not less than the starting bidding price.

Recreational area "MALIKA"

The recreational area "Malika" is located in the Tashkent region, Bostanlyk district.
Its total area constitutes 2,2 hectares.
Starting bidding price — not less than 97 844 (ninety seven thousand eight hundred forty four) US dollars.
Investment obligations — not less than 100 000 (one hundred thousand) US dollars.

During tender the preference will be given to the tender participant ready to offer the high bid for above mentioned state assets (shares, objects) and undertake the highest sum of investment obligations in the frame work of enterprises investment needs.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement, which should be sent along with brief information on the company.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to State Property Committee or Enterprise Institution Building Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the proof of payment.

The prices of the package of the bidding documents constitute 100 (one hundred) US Dollars, which are to be transferred to either of the accounts stated below:

USD Account: 20203840500600289001
UZS Account: 20203000600600289001
in the JCB "Ipak Yoli"
TIN 201122696, bank code 00444
S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

The Bid submission deadline expires at 12:00 a.m. Tashkent time on the 13th of December, 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 15:00 p.m. Tashkent time on the 13th of December, 2007.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

EIBB, Enterprise Institution Building Bureau State Property Committee Bldg., room 15.01 Uzbekistanskaya Str., 55 100003 Tashkent, Uzbekistan Attention: Mr. Sa'dullakhon Nabikhanov Director General Tel: +998 71 139 22 23 Fax: +998 71 139 21 42 Email: eibb@tps.uz	State Property Committee State Property Committee Bldg., room 8.01 Uzbekistanskaya str., 55 100003 Tashkent, Uzbekistan Attention: Khan Victoria Tel: +998 71 139 22 80 Fax: +998 71 139 20 72 Email: ves@spc.gov.uz, gki-qu@rambler.ru
---	--

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 7 декабрь куни соат 11.00да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси бизнесда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 8 августдаги, 2007 йил 25 майдаги, 2007 йил 17 сентябрдаги, 2007 йил 26 сентябрдаги ижро ҳужжатларига асосан (ажрим 10-0510/3659) такдим этилган «Ўрта Осиё Транс Шарк» ШКга тегишли ва Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Проектная» кўчаси, Г-15 манзилда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларини қайтадан қўймоқда:

- Давлат рақами 10АО953 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз), Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.
- Давлат рақами 10АХ031 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз), Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.
- Давлат рақами 10АХ029 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз), Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.
- Давлат рақами 10АН152 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз), Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.
- Давлат рақами 10АХ030 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз), Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.
- Давлат рақами 10АО892 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз), Бошланғич баҳоси — 8 198 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари олдидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонхожур тумани, А.Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-98.

Лицензия DB001-000010.

Барча юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШ МАРКАЗИ

2008 йил учун ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома жадвалларини тузади.

Шартнома жадвалларини тузиш муддати — 2008 йил 1 февралгача.

Маълумот учун телефонлар: 150-26-03, 150-26-02, факс: 150-26-15.

e-mail: metrolog@sarkor.uz.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тюменская область – Ваш надежный партнер

Презентация промышленного и инвестиционного потенциала Тюменской области

28 ноября 2007 в 16:00

в рамках Российской национальной выставки в г. Ташкенте (Узбекистан)

ЭКСПОЗИЦИИ: нефтегазовый комплекс, машиностроение, лесная отрасль, легкая промышленность

Стенд № А-4

г. Ташкент, ОАВ НВК «Узэкспоцентр», ул. Амира Темура, 107

Департамент инвестиционной политики и государственной поддержки предпринимательства Тюменской области

Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport • Спорт • Sport



ХАМИОРЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақалар, Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик спортчиларнинг юқори натижаларга эришиши оддий ҳолга айланиб қолди.

Албатта, бу муваффақиятлар замирида Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортга берилган катта эътибор ётибди. Шу ўринда имконияти чекланган инсонларга меҳр-муруват кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, спорт билан шуғулланиши учун қулай шарт яратиб берилганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Куни кеча Туркиянинг Анталия шаҳрида ноғиронлар ўртасида ўтказилган футбол бўйича VII жаҳон чемпионатида ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 8 та учрашунинг барчасини ғалаба билан якунлаб, илк бор жаҳон чемпиони деган шарафли номига сазовор бўлдилар. Анвар Исмилов шогирдлари финалда Россия футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Учинчи ўрин Бразилия терма жамоасини 1:0 ҳисобида доғда қолдирган Туркия футболчиларига насиб этди.

Шунингдек, ҳамюртимиз Абдухамид Шукуров мусобақанинг энг яхши тўпураги бўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёш футболчилар беллашув

Самарқандда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги футбол мактаб-интернатлари ўртасида XI республика футбол мусобақалари бўлиб ўтди.

1993-1994 йилларда туғилган ўқувчилар ўртасида самарқандлик ёш футболчилар, 1991-1992 йилларда туғилган ўсмирлар жамоалари орасида эса Қарши шаҳри спортчилари голибликни қўлга киритишди.

Ғолиблар ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан faxрлий ёрликлар ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.


ВОДИЙДА ЯГОНА

Тўрақўрган туманида бундан икки йил муқаддам спортнинг регби тури бўйича машғулотлар ўтказила бошланди.

Қисқа муддат ичида мазкур жамоавий ва қизиқарли спорт турига қизиқувчилар кўпайиб қолди. Мураббий Холматжон Каримов тинимсиз изланиш, машғулотлар сабаб тез орада регбининг барча қиррасини ўрганиб олди ва ёшлардан жамоа тузиб, мусобақаларга тайёрлай бошлади. Натижада ўша йилнинг ўзидек ўғил болалар жамоаси Янгийер шаҳрида уюштирилган республика оқич турнирида совриндорлар сафидан жой олди. Кейинчалик қизлар жамоаси ҳам шакллантирилди.

Бугун тўрақўргонлик регбичи қизлар вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда яхши натижаларга эришмоқда. Уларнинг беш нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланади.

Турғунбек МАҲКАМОВ
олган сурат.



ЭПЧИЛЛИК КЎРИГИ

Навоий шаҳрида Халқаро ноғиронлар кўни ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ноғирон спортчилар ўртасида VII халқаро марафон ўтказилди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ноғирон спортчилар маҳоратини оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада Навоий шаҳар ноғиронлар жамияти томонидан ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Мана шу эътибор ва ғамхўрлик туфайли қўллаб элга танилган спортчилар етишиб чиқди. Бугунги кунда армирестлинг (қўл кураши) бўйича жаҳон чемпиони Мирзохид Шаропов, республика чемпиони Мақсуд Тоғоев сингари спортчилар нафақат Навоий вилояти, балки мамлакатимиз фахрига айланган.

Аънавий халқаро марафоннинг навбатдагиси Конимех — Янгийергон — Кармана — Навоий йўналишлари бўйлаб 42

километр масофада уюштирилди. Эрталаб соат еттидан кеч соат тўртгача давом этган мусобақанинг ҳар бир босқичи муросасиз қурашларга бой бўлди. Аҳоли яшаш манзилларида, йулларда спортчиларни минглаб мухлислар олқилаб турди.

Марафон

— Марафонда ўтган йили ҳам қатнашганим, — дейди Днепротровский (Украина)дан келган Анатолий Беляков. — Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, ноғиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга берилган эътибор менда катта таассурот қолдирди.

Душанбе шаҳри вакили Сафар Боев ҳам ўзининг мустақам иродаси ва ма-

ҳоратини намойиш этиб, қўл аравачаси бўйича иштирокчилар орасида маррага биринчи бўлиб етиб келди.

— Мазкур марафон биз, ноғиронлар учун байрамга айланди, — дейди С. Боев. — Ноғиронман деб ўйда ўтираверишни хаёлимиздан бутунлай чиқаришимиз лозим. Ўзимизни соғлом замондошларимиздай хис қилиб, жамиятга фойдамиз тегиши лозимлигини исботлашимиз керак.

Мусобақа якунида навоийлик Мадат Қувондиқов, Маъруф Ҳусанов, Юлия Носова, тошкентлик Шахноза Абдурахмонова, Рая Нурмухаммедовалар ҳам голиблар сафидан жой олишди.

Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент» ОАЖ, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқаро марафонни ўтказишда яқиндан ёрдам бердилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Газ уягуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» КК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон худудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:


ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортик.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиغا эга.



Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

Замонавий электрон газ ўлчачилари.

- Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиغا эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЁКИ
ҲАЗНАГА НАҚД ТўЛАШ ЙўЛИ
БИЛАН КЎЙИДАГИ
КўЧАТЛАРНИ СОТАДИ:

Игна баргли: можжевельник, эльдор қарағайи, қрим қарағайи, тяншань ели, шарқ туяси.

Манзарали кўчатлар: дуб, каштан, япон софораси, ясенё, клён, мажнунтол, тут, терак, оқ қайин.

Мевали кўчатлар: олма, нок, гилос, беҳи, олхўри, ўрик ва бошқалар.

Кўчатлар кўпроқ миқдорда олинганда, ташкилот ўз автотранспортда манзилга етказиб беради ва кўчатни экишда амалий ёрдам кўрсатади.

Тел.: 292-97-62, 292-99-06.

«ЎЗКИМЁСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

2007 йил
22-24 ноябрь кунлари
компаниянинг
кўргазма залида
ярмарка савдолари
ўтказилишини
эълон қилади.

Ярмарка савдоларида
Ўзбекистон Республикаси
кимё корхоналари томонидан
ишлаб чиқарилаётган минерал
ўғитлар (аммиакли селитра
бундан мустасно), дефолиантлар
ва бошқа маҳсулотлар
ҳамда халқ истеъмоли
молларининг савдоси
ўтказилади.

Манзил:
Тошкент ш., А. Навоий к., 38-уй.
Тел.: 113-02-73, 113-02-74, факс: 144-37-19.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси ректорати ва жамоаси Мотия ва кредит кафедраси мудири, доцент Акром Абдуназарович Омоновга падири бузруквори
АБДУНАЗАР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилиб, ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси банкнинг Қашқадарь вилояти филиали бошлиғининг биринчи ўринбосари
Лола Назаровна АТАЕВАНING вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Российский
Обои линолеум
виниловые**

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Форма оplatы — любая

Товар сертифицирован

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!
«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ҳусанов кўчаси, 1-«А» уйда нархлари ошиб бориш тартибиде 2007 йил 25 декабрь кўни соат 11.00да бўлиб ўтадиган оқич аукцион савдоларига таклиф этади.

Тошкент вилояти, Бўка тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 23 апрелдаги 11-07-05/1171-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, МТПга қарашли, Бўка шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 2-уйда сақланаётган қуйидаги техника воситалари:

- «КЕИС-2022» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, 22-49 ЕД формуляр рақами №57 бўлган, техник соз техника воситаси. Бошланғич баҳоси — 88 595 942 сўм 40 тийин.
- «КЕИС-2022» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, 22-10 ЕД формуляр рақами №49 бўлган, техник соз техника воситаси. Бошланғич баҳоси — 87 119 343 сўм 36 тийин.
- «КЕИС-2022» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, 22-65 ЕД формуляр рақами №50 бўлган, техник соз техника воситаси. Бошланғич баҳоси — 70 876 753 сўм 92 тийин.
- «КЕИС-2022» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, 06-83 ЕР формуляр рақами №43 бўлган, техник соз техника воситаси. Бошланғич баҳоси — 67 923 555 сўм 84 тийин.

Ушбу техника воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиши учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхташилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Собир Раҳимов филиалидаги МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 хисоб рақамига тўлашлари шарт. Телефон: 228-79-52.

Интернетдаги сайти: www.kmb.uz

**Халқ сўзи
Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхала босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва митақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусахҳас — Ҳ. Тошқўлаев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Тошпирилди — 22.20